

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Тib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НИШАНОВ МУРОДЖОН ФОЗИЛЖОНОВИЧ**

**ОШҚОЗОН ВА ЎН ИККИ БАРМОҚЛИ ИЧАК ЯРА  
КАСАЛЛИГИНИНГ АСОРАТЛАНГАН ШАКЛЛАРИДА  
ЭНДОСКОПИК ВА АНЪАНАВИЙ АРАЛАШУВЛАРНИНГ  
РАҚОБАТЛИ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

УЎК: 617-089+616-072.1: -616-089-06(616.33-002.44+616.342)

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation**

**Нишанов Муроджон Фозилжонович**

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигининг асоратланган шаклларида эндоскопик ва анъанавий аралашувларнинг рақобатли истиқболлари

3

**Нишанов Муроджон Фозилжонович**

Конкурентные перспективы эндоскопических и традиционных вмешательств при осложненных формах язвенной болезни желудка и двенадцатиперстной кишки

29

**Nishanov Murodjon Foziljonovich**

Competitive prospects for endoscopic and traditional interventions for complicated forms of gastric and duodenal ulcer

55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works

59

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Тib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НИШАНОВ МУРОДЖОН ФОЗИЛЖОНОВИЧ**

**ОШҚОЗОН ВА ЎН ИККИ БАРМОҚЛИ ИЧАК ЯРА  
КАСАЛЛИГИНИНГ АСОРАТЛАНГАН ШАКЛЛАРИДА  
ЭНДОСКОПИК ВА АНЪАНАВИЙ АРАЛАШУВЛАРНИНГ  
РАҚОБАТЛИ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2019.4.DSc/Tib379 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Назиров Феруз Гафурович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Гурбанхан Фатали огли Муслимов</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Хакимов Мурод Шавкатович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Садиков Рустам Аброрович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Абуали ибн Сино номидаги Тоҷикистон давлат тиббиёт университети</b>

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc. 04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли кўчаси 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru), Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (109-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.К. Абралов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раис ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

**А.Х. Бабаджанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.В. Девятов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги замонавий соғлиқни сақлаш тизимида клиник ва ижтимоий жиҳатдан етакчи ўрин тутди ва хавфли асоратлар билан кечувчи хазм трактининг энг кенг тарқалган патологиясилигича қолмоқда. «Global Burden of Disease Study 2015» маълумотларига кўра, «яра касаллиги Ер юзи аҳолисининг 4% да учрайди, тарқалиши бўйича йилига 100 000 аҳолидан 100 ва ундан ортиқ беморда ҳамда асоратланган шакллари 70 ҳолатда кузатилади, бутун дунё бўйича энг фаол меҳнатга лаёқатли ёшдаги 5 миллион инсонни касаллантиради ва вақтинча, қисман ва турғун меҳнатга лаёқатнинг йўқолишига сабаб бўлади»<sup>1</sup>. «Охирги ўн йилликда консерватив даволаш стратегиясига қарамай, ушбу муаммога нисбатан янги имкониятлар, илмий-амалий қизиқишлар очилди, асоратланган жараён шаклланганда эса модифицирланган жарроҳлик ёндашувлари ва эндоскопик даволаш-профилактик аралашувларнинг самарадорлиги ва ютуқлари ҳақида бир қатор қарши фикрлар пайдо бўлди»<sup>2</sup>. «Ўзига хос асоратлар ривожланиши 10-20% лигича қолмоқда, улар орасида энг кўп, клиник жиҳатдан аҳамиятли ва оғир асоратлардан қон кетиш (2%-10%) ва перфорация (2%-14%) ташкил этмоқда»<sup>3</sup>. Ўз навбатида, яра касаллигининг ўткир жарроҳлик асоратларидаги ташриҳдан кейинги ўлим сони етакчи бўлиб қолмоқда ва бу кўрсаткич 10-40% ни ташкил этмоқда. Яра касаллиги асоратларини даволашнинг тактик жиҳатларини мукамаллаштириш муаммоси фармакологик ёндашувлар, эндоскопик даволаш-профилактик ва очик радикал аралашувларни оптималлаштириш билан боғлиқ бўлган барча асосий йўналишларни ҳам ўз ичига олади.

Дунё амалиётида ошқозоннинг кислота ишлаб чиқарувчи ва мотор-эвакуатор функцияси ҳолатининг патогномик хусусиятлари, касалликнинг молекуляр ва генетик жиҳатларини ўрганишга қаратилган бир қатор мақсадли илмий текширувлар ўтказилмоқда. Эндоген ва экзоген омилларнинг таъсири ва ўзаро боғлиқлигига кўра, яра касаллигининг асоратланган шаклларида ошқозон шиллиқ қавати ҳимоя механизмларининг динамик мувозанатини ўрганиш долзарб ҳисобланади. Қайталанувчи пептик яраларнинг геморрагик ва перфоратив асоратларини прогнозлаш муҳим қизиқиш уйғотиб, ошқозон яраларининг ёмон сифатли шаклларга трансформацияланиши ва патологик ҳолат оғирлигини копмлекс верификациялашда тизимли ёндашувларни мукамаллаштириш ва тавсия этилган балли тизимлар самарадорлигини баҳолаш бўйича бир қатор рандомизирланган клиник текширувлар ўтказилди.

Юртимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг замонавий босқичида ошқозон ва ўн икки бармоқ

<sup>1</sup> Global, regional, and national incidence, prevalence, and years lived with disability for 310 diseases and injuries, 1990–2015: a systematic analysis for the Global Burden of Disease Study 2015. *Lancet*. 2016; 388(10053):1545-1602.

<sup>2</sup> Pioche M, Jacques J, Saurin JC. Gastric and duodenal ulcer. *Gastritis. Rev Prat*. 2019;69(5):147-154.

<sup>3</sup> Tarasconi A, Coccolini F, Biffi WL, et al. Perforated and bleeding peptic ulcer: WSES guidelines. *World J Emerg Surg*. 2020;15:3. Published 2020 Jan 7. doi:10.1186/s13017-019-0283-9

ичакнинг асоратланган яралари бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Ушбу йўналишда, кўпроқ юқори технологияли жарроҳлик ёрдам сифатини яхшилаш орқали бир қатор кониқарли натижаларга эришилди. Тиббий ёрдам тизимини мукамаллаштириш билан бирга пилородуоденал яралар ва уларнинг асоратларини даволаш самарадорлигини яхшилаш бўйича янги илмий асосланган натижалар талаб этилади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган<sup>4</sup>. Ушбу вазифаларни руёбга чиқариш ҳамда ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг шошилиш асоратларини замонавий ёндашувларни қўллаш орқали даволаш натижаларини яхшилаш, даволашнинг модифицирланган ва эндоскопик жарроҳлик усуллари самарадорлиги ва сифатини ошириш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2018 йил 17 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги ВМ-266 сонли «Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва жамоат соғлиқни сақлаш илмий-текширув институти фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ҳамда ушбу йўналишда қабул қилинган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>5</sup>.** Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичакнинг асоратланган яралари бўлган

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

<sup>5</sup> Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: Soreide K, Thorsen K, Soreide JA. Predicting outcomes in patients with perforated gastroduodenal ulcers: artificial neural network modelling indicates a highly complex disease. *Eur J Trauma Emerg Surg.* 2015;41:91–8; Sivaram P, Sreekumar A. Preoperative factors influencing mortality and morbidity in peptic ulcer perforation. *Eur J Trauma Emerg Surg.* 2018;44:251–7; Cirocchi R, Soreide K, Di Saverio S, Rossi E, Arezzo A, Zago M, Abraha I, Vettoretto N, Chiarugi M. Meta-analysis of perioperative outcomes of acute laparoscopic vs open repair of perforated gastroduodenal ulcers. *J Trauma Acute Care Surg.* 2018; Ansaloni L, Ceresoli M, Fugazzola P, Tomasoni M, Palamara F, Sartelli M, Catena F, Montori G, Raimondo S, Coccolini F. An innovative duodenal perforation surgical repair technique: the BIOPATCH technique. *Journal of Peritoneum (and other serosal surfaces)* 2018; Di Saverio S, Bassi M, Smerieri N, Masetti M, Ferrara F, Fabbri C,

беморларга даволаш ва профилактик ёрдам сифатини яхшилашга қаратилган илмий-текширув ишлар дунё бўйича кўплаб етакчи илмий марказлар ва олий ўқув юртларида олиб борилмоқда, жумладан: Department of Gastrointestinal Surgery, Stavanger University Hospital (Norway), Service de chirurgie générale et digestive, CHU de Rouen (France), Department of General Surgery, Government Medical College, (India), Department of General and Oncologic Surgery, University of Perugia (Italy), Tan Tock Seng Hospital (Singapore), Department of Surgery, College of Medicine and Health Sciences, UAE University (United Arab Emirates), Department of General Surgery, Albury Hospital (Australia), Department of Gastroenterology, Hospital Universitario Infanta Leonor (Spain); Nottingham Digestive Diseases Centre and National Institute for Health Research (UK), Hospital Universitario del Henares (Spain), Department of Gastroenterology and Gastrointestinal Surgery, Hvidovre Hospital (Denmark), Department of Internal Medicine, Division of Gastroenterology, Bezmialem Vakıf University (Turkey), Shalamar Medical & Dental College (Pakistan), Department of General Surgery, Renmin Hospital of Wuhan University (China), Department of Gastroenterology and Metabolism, Nagoya City University Graduate School of Medical Sciences (Japan), Department of General Surgery, SCB Medical College (India), И.И.Джанелидзе номидаги Санкт-Петербург тез ёрдам илмий-текшириш институти (Россия), Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон), Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказида (Ўзбекистон) ўтказилган.

Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраларининг ўткир жарроҳлик асоратларини янги технологик имкониятлар ишлаб чиқиш ва қўллаш йўли билан беморларни олиб бориш сифатини яхшилаш бўйича олиб борилган текширувлар натижаларига кўра, турлича фикрлар таклиф этилган, жумладан: пилородуоденал яраларнинг ўткир жарроҳлик асоратларнинг кўплаб эпизодлари ностероид яллиғланишга қарши воситалар, стероидлар, чекиш, *Helicobacter pylori* ва кўп миқдорда туз сақловчи пархез турлари ҳамда қисман бўлса-да, битта хавф омилининг ўзаро таъсири исботланган (Department of General Surgery, Government Medical College, Thiruvananthapuram, India); беморларда пептик яралардан қон кетиш ва/ёки перфорациясининг клиник кечиши ва якунини прогнозлаш учун хатар стратификациясининг мукамал тизимлари аниқланди: Воеу бўйича баҳолаш шкаласи энг кўп қўлланиладиган шкала бўлиб, ундан кейинги ўринда Америка анестезиологлари уюшмаси шкаласи (ASA) ва Peptic Ulcer Perforation шкаласи (PULP) (Department of Gastrointestinal Surgery, Stavanger University Hospital, Stavanger, Norway) туради; перфоратив яраларда эндоскопик йўл билан даволаш фақат айрим холларда, яъни бемор умумий ҳолати стабиллашганда ва рентген-контраст текширувлар ёрдамида яра

---

Ansaloni L, Ghersi S, Serenari M, Coccolini F, Naidoo N, Sartelli M, Tugnoli G, Catena F, Cennamo V, Jovine E. Diagnosis and treatment of perforated or bleeding peptic ulcers: 2013 WSES position paper. *World J Emerg Surg* 2014;9:45; Pioche M, Jacques J, Saurin JC. Gastric and duodenal ulcer. *Gastritis. Rev Prat.* 2019;69(5):147-154. Martinez-Alcala A, Monkemuller K. Emerging Endoscopic Treatments for Nonvariceal Upper Gastrointestinal Hemorrhage. *Gastrointest Endosc Clin N Am.* 2018;28:307–20; Tarasconi A, Coccolini F, Biffl WL, et al. Perforated and bleeding peptic ulcer: WSES guidelines. *World J Emerg Surg.* 2020;15:3.

герметизациясини тасдиқлаган шароитда (Service de chirurgie générale et digestive, CHU de Rouen, Rouen, France) қўлланилди; перфоратив асоратлар ва перитонит белгилари бўлган беморларда бўшлиқли жарроҳлик аралашувларни ортга суриш юқори кўрсаткичдаги ўлим билан кечди (Department of General and Oncologic Surgery, University of Perugia, Terni, Italy); ошқозон ва ўн икки бармоқ ичакнинг 2,0 см ортиқ яралари ўткир асоратларида индивидуал жарроҳлик ёндашув зарурлиги исботланди, чунки жараённинг тарқалганлигини ва ёмон сифатлилигини аниқлашга асосланган (General, Emergency and Trauma Surgery Department, Bufalini Hospital, Cesena, Italy); қон кетишнинг барча эндоскопик тўхтатиш усуллари консерватив терапияни қўллашга қараганда, қон кетишни қайталанишини камайтиради, бундай холларда ўткир яралардан қон кетганда, эндоскопия усули интенсив терапиянинг бир қисми хисобланади (Department of Gastroenterology, Hospital Universitario Infanta Leonor, Spain).

Хозирги даврда дунё бўйича яра касаллигининг асоратли кечишини жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб бориш давом этмоқда. Бундай беморлар сонининг ўсиши, даволаш тактикаси масалаларига бефарқ билан қараш ва даволашнинг коникарсиз натижалари ушбу патологиянинг клиник аспектларини ишлаб чиқиш заруриятини аниқлайди, жарроҳликда замонавий кам инвазив эндоскопик технологияларининг пайдо бўлиши эса янги замонавий йуналишда ошқозон ва ўн икки бармоқ ичакнинг асоратли яраларини даволаш муаммоларини ўрганиш имконини беради.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги юз йилликда яра касаллигининг патофизиологик хусусиятлар тўғрисида тушунчаларда бир қатор ўсишлар кузатилди, бу эса яра ҳосил бўлишининг қайталаниши ва кислоталиликни камайтиришга қаратилган, мантқий ва вақт бўйича синалган фармакологик препаратларни ишлаб чиқаришга олиб келди, ушбу патология бўйича бажариладиган жарроҳлик амалиётларининг мутлоқ сони камайди<sup>6</sup>. Бундан ташқари, жарроҳлик амалиётини талаб этувчи яра касаллиги асоратлари соғлиқни сақлашнинг жиддий муаммосилигича қолмоқда. С.М. Liang et al. (2019)<sup>7</sup> маълумотларига кўра, «бугунги кунда геморрагик асоратлар қайталаниши сони 13,9%, перфорацияларнинг узок муддатли қайталанишлари 12,2%, ўртача 30-кунлик ташрихдан кейинги ўлим кўрсаткичи – қон кетиш қайталанишидан кейин 8,6% ва перфорациядан сўнг 23,5% ташкил этди». Олимлар хатар омилларига катта ёш, хамрох патологиянинг бўлиши, келгандаги шок холати ва ярага қарши терапия бўйича тавсияларга амал қилмасликни киритдилар<sup>8</sup>. М. Pioche et al. (2019)<sup>9</sup> фикрича, «кўрсатилган рақамлар

<sup>6</sup> Prabhu V, Shivani A. An Overview of History, Pathogenesis and Treatment of Perforated Peptic Ulcer Disease with Evaluation of Prognostic Scoring in Adults. *Ann Med Health Sci Res.* 2014; 4(1): 22-29.

<sup>7</sup> Liang CM, Yang SC, Wu CK, Li YC, Yeh WS, Tai WC, Lee CH, Yang YH, Tsai TH, Hsu CN, Chuah SK. Risk of Recurrent Peptic Ulcer Disease in Patients Receiving Cumulative Defined Daily Dose of Nonsteroidal Anti-Inflammatory Drugs. *J Clin Med.* 2019;8(10)

<sup>8</sup> Sivaram P, Sreekumar A. Preoperative factors influencing mortality and morbidity in peptic ulcer perforation. *Eur J Trauma Emerg Surg.* 2018;44:251-7

<sup>9</sup> Pioche M, Jacques J, Saurin JC. Gastric and duodenal ulcer. *Gastritis. Rev Prat.* 2019;69(5):147-154.



касалликнинг чин кўрсаткичи тўғрисида тўлиқ маълумот бермаса-да, асосан, беморларнинг тиббий ёрдамга мурожаат қилишларига асосланилади». Бугунги кунда ушбу патологияни даволашнинг бир қатор жарроҳлик усуллари ва услублари таклиф этилган, бироқ амалий шифокорга адекват мўлжал олиш имконини берувчи алгоритмлар мавжуд эмас. Яра касаллиги асоратларини даволашда лапароскопик жарроҳликнинг ахамияти ханузгача номаълумгача қолмоқда. Сўнгги мета-анализ шуни кўрсатдики, лапароскопик жарроҳликлик маълум бўлган хусусиятларига жароҳат инфекцияларининг қуйи кўрсаткичлари, назогастрал зонднинг қисқа муддат туриши ва ташрихдан кейинги оғриқнинг кучсизлиги ҳисобланади. Бундан ташқари, муаллифлар ошқозон ва ўн икки бармоқ ичакнинг асоратли яраларини жарроҳлик йўли билан даволашда лапароскопиянинг хавфсизлиги ва самарадорлигини баҳолаш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар (Cirocchi R et al., 2019)<sup>10</sup>.

Бир вақтнинг ўзида айрим олимлар яра касаллигининг перфоратив ва геморрагик асоратларида лапароскопик жарроҳликнинг мавжуд хусусиятлари ҳақида маълумотлар берган бўлиб, бошқалар эса ёмон натижалар, ташрих вақтини ҳам баён этганлар (Ge B, et al., 2018)<sup>11</sup>. 5 рандомизирланган назоратдаги текширувларни ўз ичига олган мета-анализ натижаларига кўра (549 та ошқозоннинг перфоратив яралари бўлган беморлар), лапароскопик жарроҳликдаги кўрсаткичлар ташрихдан кейинги асоратлар, ўлим ва қайта ташрихлар кўрсаткичлар билан бир хил бўлиб, перфорацияланган яра касаллигининг очиқ тикланишини кўрсатди (Tan S, et al. 2016)<sup>12</sup>. Ярадан қон кетишларни эндоскопик йўл билан даволаш усуллари катта қизиқиш уйғотади. Олимларнинг маълумотларига кўра, қайта қон кетишлар хавфи, жарроҳлик амалиётлари зарурияти, қон қуйиш учун зарур бўлган қон воситалари сони, шифохонада даволанишлар давомийлиги ва ўлим кўрсаткичи камайди (Baracat F, et al., 2016)<sup>13</sup>. Бундан ташқари, адабиётларда қайталанган пилородуоденал қон кетишлардан кейинги ўлим кўрсаткичи 10% лигича қолаётганлиги ва ушбу гуруҳдаги беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш усулларини мукамаллаштириш зарурлиги келтириб ўтилган (Park S.G., et al., 2018)<sup>14</sup>. Кўплаб марказ таҳлилларини инобатга олган ҳолда, эндовизуал жарроҳлик ва эндоскопик даволаш-профилактик аралашувлардан фаол фойдаланиш давом этмоқда ҳамда шу мақсадда бир қатор олимлар, айниқса, беморларнинг оғир ҳолатларида, одатда дастлабки қон кетгандан сўнг 48 соат давомида жарроҳликнинг анъанавий усулларида фойдаланишни маъқул кўрмоқдалар.

---

<sup>10</sup> Cirocchi R, Soreide K, Di Saverio S, Rossi E, Arezzo A, Zago M, Abraha I, Vettoretto N, Chiarugi M. Meta-analysis of perioperative outcomes of acute laparoscopic vs open repair of perforated gastroduodenal ulcers. *J Trauma Acute Care Surg*. 2018;

<sup>11</sup> Ge B, Wu M, Chen Q, et al. A prospective randomized controlled trial of laparoscopic repair versus open repair for perforated peptic ulcers. *Surgery*. 2016;159(2):451-458.

<sup>12</sup> Tan S, Wu G, Zhuang Q, et al. Laparoscopic versus open repair for perforated peptic ulcer: A meta analysis of randomized controlled trials. *Int J Surg*. 2016;33:124-132.

<sup>13</sup> Baracat F, Moura E, Bernardo W, et al. Endoscopic hemostasis for peptic ulcer bleeding: systematic review and meta-analyses of randomized controlled trials. *Surg Endosc*. 2016;30(6):2155-2168.

<sup>14</sup> Park SJ, Park H, Lee YC, et al. Effect of scheduled second-look endoscopy on peptic ulcer bleeding: a prospective randomized multicenter trial. *Gastrointest Endosc*. 2018;87(2):457-465.

Бироқ айрим холларда модифицирланган аъзо сақловчи ташрихлар қулайлигича қолмоқда (Nagashima K., et al., 2018)<sup>15</sup>.

Адабиётларда келтирилган маълумотлар тахлил қилинганда, шу аниқландики, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичакнинг асоратланган яралари билан касалланган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини қониқарли деб баҳолаб бўлмайдими, қон кетиш билан асоратланган яра касаллигида эндоскопик даволаш-профилактик аралашувларнинг самарадорлигини баҳолаш, перфорация билан асоратланган ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигини жарроҳлик йўли билан даволаш усулларини мукамаллаштириш, яра касаллиги бўйича турли ташрихлардан сўнг беморлар ҳаёт сифатини инобатга олган ҳолда, даволаш самарадорлигини тахлил қилиш муаммолигича қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот иш режаларининг «Ўн икки бармоқ ичакнинг перфорация билан асоратланган яра касаллигини, иккита локализацияли яраларни жарроҳлик йўли даволаш усулини татбиқ этиш» мавзусидаги И-СС-2017-6-1-сон лойиҳаси доирасида бажарилган (2017-2018йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак сурункали яраларининг асоратланган шакллари билан беморларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг тактик-техник жиҳатларини такомиллаштириш йўли билан даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Фарғона водийсида гастродуоденал яралар тарқалганилигининг интенсив кўрсаткичини аниқлаш;

икки динамик давр давомида жарроҳлик фаоллик ва ташрихдан кейинги ўлим кўрсаткичларини ўрганиш;

қон кетиш билан асоратланган яра касаллигида эндоскопик даволаш-профилактик аралашувлар самарадорлигини баҳолаш ва қулайликларини аниқлаш;

қон кетиш билан асоратланган ошқозон яра касаллигида резекцияли ва аъзони сақлаб қолувчи эндоскопик ташрих натижаларини ўрганиш;

қон кетиш асоратланган ўн икки бармоқ ичак яра касаллигида модифицирланган резекцияли ва аъзони сақлаб қолувчи ташрих натижаларини ўрганиш;

перфорация билан асоратланган ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигини жарроҳлик йўли билан даволашнинг такомиллаштирилган усуллари самарадорлигини баҳолаш;

пилородуоденал стеноз билан беморларни ташрих олди тайёргарлик хусусиятларини ўрганиш ва бажарилган жарроҳлик амалиётлари самарадорлигини баҳолаш;

---

<sup>15</sup> Nagashima K, Tominaga K, Fukushi K, et al. Recent trends in the occurrence of bleeding gastric and duodenal ulcers under the Japanese evidence-based clinical practice guideline for peptic ulcer disease. JGH Open 2018; 2:255.

ташрихдан кейинги даврда ошқозоннинг асосий функцияларига яра касаллиги асоратларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг модифицирланган усуллари таъсирини ўрганиш;

таққослама гуруҳда ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги асоратларини жарроҳлик йўли билан даволаш самарадорлигини баҳолаш;

таққослама гуруҳларда яра касаллиги бўйича турли ташрихлардан сўнг SF-36 сўровномаси бўйича ҳаёт сифати кўрсаткичларини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси III жарроҳлик бўлимида 2007-2018 йилларда ошқозон ва ўн икки бармоқ ичакнинг асоратланган яралари билан текширилган ва даволанган 1185 нафар беморлар хизмат қилди.

**Тадқиқотнинг предмети** ушбу патологияда энг кўп учрайдиган асоратларнинг тузилиши, сони ва оғирлиги, касалликни жарроҳлик йўли билан даволаш аспектларини мукамаллаштириш ва сифатини баҳолаш орқали ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги бўлган беморларни олиб боришда қўлланилган тактика сифатини таҳлил этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган масалаларни ҳал этиш учун қуйидаги усуллар қўлланди: умумий клиник таҳлиллар (қоннинг умумий ва биокимёвий таҳлили, коагулограмма), эндоскопик, нур (ультратовуш, мультиспирал компьютер томография), лапароскопия ва статистик текширув усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг клиник-патогенетик кечиши хусусиятлари, жараённинг жойлашуви ва асоратлар характерини ҳисобга олган ҳолда Фарғона водийси аҳолиси орасида касаллик тарқалганлигининг интенсив кўрсаткичи аниқланган;

ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг турли асоратлари билан беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш сифатида олинган бир қатор чок қўйиш билан гастродуоденоанастомоз қўйиш орқали ошқозонни эконом резекцияси ва кичик чарвини кесиб ташлаш усули ишлаб чиқилган;

стандарт усулларга қараганда камроқ травматик ва функционал пострезекцион асоратлар ривожланиш хавфини камайтирувчи бир қаторли чок қўйиш билан терминолатерал эгри гастродуоденоанастомоз қўйиш орқали ошқозон антрумрезекцияси усули ишлаб чиқилган;

ярани кесиб ташлашга мўлжалланган пилородуоденал локализацияли яра касаллиги асоратларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг аъзони сақлаб қолувчи усуллари ва бир қаторли чок билан пилородуоденопластика бажариш усуллари ишлаб чиқилган;

ошқозон-ичак тракти юқори қисмида жойлашган яралардан қон кетиш фонидида спонтан гемостазда, профилактик мақсадда эндоскопик амалиётларни бажариш орқали геморрагик синдромнинг эрта қайталаниши хавфининг камайиши ва шошилиш жарроҳлик ёрдами зарурияти аниқланган;

беморларнинг соматик ҳолати ва ошқозоннинг мотор-эвакуатор функциясини инобатга олган ҳолда эндоскопик бужлашни қўллаш билан пилородуоденал стенознинг декомпенсация босқичидаги беморларни

комплекс ташрих олди тайёргарлиги таъсирининг клиник-функционал хусусиятлари аниқланган;

ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги асоратларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг таклиф этилган аъзони сақлаб қолувчи усуллари қўлланилгандан сўнг ошқозоннинг кислота ишлаб чиқарувчи ва мотор-эвакуатор функцияси ҳолатининг патогномик хусусиятлари белгиаланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

анъанавий жарроҳлик амалиёти заруриятини камайтирувчи тиббий ёрдам сифати структурасини ўзгартириш имконини берувчи қон кетиш билан асоратланган яра касаллиги билан хасталанган беморларда спонтан ёки эришилган консерватив гемостаз орқали профилактик эндоскопик амалиётларга кўрсатмаларни кенгайтириш асослаб берилган;

пилородуоденал стенознинг оғир даражасида ошқозоннинг мотор-эвакуатор функциясини яхшилаш учун ташрих олди чора-тадбирлар таркибидаги эндоскопик бужлашни қўллаш асослаб берилган;

резекция амалиётларининг техник жиҳатларини соддалаштириш, ташрих травматиклигини камайтириш ва вақтини қисқартириш имконини берувчи ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги асоратларини жарроҳлик йўли билан даволаш усуллари такомиллаштирилган;

қон кетиш, перфорация ёки пилородуоденал стеноз билан асоратланган ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигида даволашнинг оптимал усулини танлаш орқали даволашнинг тактик жиҳатларини мукамаллаштириш билан бирга резекцион ва аъзо сақловчи ташрихларнинг модифицирланган усуллари қўллаш ташрихдан кейинги асоратлар ва ўлим кўрсаткичи камайиши исботланган;

ошқозон шираси протеолитик фаоллигини адекват камайтириш ва ошқозон мотор-эвакуатор функциясининг бузилишларининг ривожланиш хавфига нисбатан ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги асоратларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолаш, аниқ услубий ёндашувларни қўллаш билан замонавий даволаш ва ташхислаш усулларида фойдаланиш ва статистик таҳлилни танлашнинг объектив мезонларидан фойдаланишга асосланган. Тадқиқот етарли миқдордаги клиник материал устида бажарилди. Диссертациядаги қўрилган муаммоларни ҳал этиш усуллари ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги асоратли шаклларини ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашдаги ёндашувлар ҳамда замонавий илмий-амалий фикрларга асосланилади. Кўриб чиқилган вазифаларни ҳал этиш тиббий статистиканинг замонавий синалган усуллари ёрдамида бажарилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар беморларни комплекс ташрих олди тайёргарлигининг клиник-функционал хусусиятларини аниқлаш ҳисобига беморларнинг соматик ҳолатига ва ошқозоннинг мотор-эвакуатор функциясига ҳамда таклиф этилган жарроҳлик йўли билан аъзони сақлаб қолувчи усуллар бажарилганидан сўнг, ошқозоннинг

мотор-эвакуатор функцияси ва кислота тшла чиқувчи холатининг патогномик хусусиятларини ўрганиш билан ошқозон ва ўн икки бармокли ичак яра касаллиги асоратларини даволашда замонавий ютуқларга эришиш йўли ўз хиссасини қўшган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, қон кетиш билан асоратланган яра касаллиги бўлган беморларни даволаш-эндоскопик аралашувларга кўрсатмалар аниқланди ва кенгайтирилди, бу эса кўрсатиладиган ёрдам хажмига кўра, анъанавий жарроҳлик йўли билан даволаш заруриятини камайишига, ҳамда резекцион аралашувларнинг техник аспектларини соддалаштириш имконини берувчи ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги асоратларини жарроҳлик йўли билан даволаш усулларини мукамаллашувига, умумий тарзда, кам травматизмга эришишга, ташрихдан кейинги асоратлар ўлим курсаткичини камайитиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг асоратли шакллари билан беморларга кўрсатиладиган юқори технологияли ёрдам сифатини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўн икки бармокли ичак яра касаллигида перфорация билан асоратланган, икки ёқлама жойлашган яраларни хирургик даволаш усули» ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2014 йил 22 октябрдаги IAP 04962-сонли ихтиро учун патенти). Таклиф этилган усул перфорация билан асоратланган яра касаллигини хирургик даволашда ташрихдан кейинги асоратлар частотасини камайитириш имконини берган;

«Ошқозон резекцияси ва гастродуоденоанастомоз қўйиш усули» ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2016 йил 24 ноябрдаги IAP 05306-сонли ихтиро учун патенти). Таклиф этилган усул ошқозон яраси касаллигини хирургик даволаш натижаларини яхшилаш имконини берган;

«Ошқозон антрумрезекцияси ва қийшиқ терминолатерал гастродуоденоанастомоз қўйиш усули» ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2020 йил 13 мартдаги IAP 06188-сонли ихтиро учун патенти). Таклиф этилган усул ўн икки бармоқ ичак яраси касаллигини хирургик даволаш натижаларини яхшилаш имконини берган;

«Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраларидан қон кетишда жарроҳлик тактикаси алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 3 августдаги 8н-з/95-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган тавсиялар ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраларини, айниқса, касалликнинг асоратли кечган гуруҳидаги беморларни даволаш натижаларини яхшилаш имконини берган;

«Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак перфоратив яраларини жарроҳлик йўли билан даволаш усуллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 3 августдаги 8н-з/95-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар қон кетишларнинг эрта қайталанишлари

ривожланиш хавфини ва касалликни жарроҳлик йўли билан даволаш заруриятини камайтириш имконини берган;

«Стеноз билан асоратланган ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраларини жарроҳлик йўли билан даволаш усуллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 3 августдаги 8н-з/95-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар қониқарли ва яхши натижалар кўрсаткичини ошириш, қониқарсиз натижалар сонини камайтириш, ўзига хос ва умумий асоратлар, ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини берган;

ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраларининг асоратли шакллари билан беморларга кўрсатиладиган жарроҳлик ёрдам сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятида, хусусан, Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси шошилинич жарроҳлик бўлими ва Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси жарроҳлик бўлими амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 3 августдаги 8н-з/95-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг асоратланган яралари бўлган беморларни хирургик даволашда таклиф этилган тактик-техник ёндашувларни қўллаш, амалиётлар структурасини ўзгартириш билан бирга аъзо сақлаб қолувчи амалиётларулушини ошириш, специфик ва умумий асоратларни камайтириш, қониқарли ва яхши натижалар улушини 77,2% дан 89,5% гача ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижалари апробацияси.** Тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 5 та халқаро ва 6 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 37 илмий иш чоп этилган бўлиб, шу жумладан, 15 та мақола, шулардан 10 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва хажми.** Диссертация таркиби кириш, етти та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. иқтибослашган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг хажми 185 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ

**Кириш қисми** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблилиги ва талабгорлиликка асосланган бўлиб, унда тадқиқот объектлари ва предметлари мавжуд, ишнинг республика илм ва технологияларининг устувор йўналишлари билан мослиги кўрсатиб ўтилди, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилди, олинган тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилди, диссертация тузилиши ва чоп этилган ишлар бўйича маълумотлар, тадқиқот натижалари амалиётга татбиқ этилди.

Диссертациянинг «**Асоратланган пилородуоденал яраларни жарроҳлик йўли билан даволаш муаммосига замонавий қарашлар**» номли

биринчи бобида ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг асоратли шакллари ташхислаш ва даволаш муаммоси бўйича қатъий таҳлил, критик баҳолаш, илмий маълумотларни бойитиш ва тизимлаштириш ўтказилди, масалани кейинги хал этилишини талаб этувчи долзарб масалалар ўрганилди. Адабиётларда келтирилган таълил натижаларига кўра, ушбу муаммо бўйича хал этилмаган вазифалар аниқланди.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва усулларининг клиник характеристикаси» иккинчи бобида тадқиқотнинг клиник материали ва фойдаланилган усуллари баён келтирилган. Тадқиқот асосига 2007-2018 й.оралиғида АДТИ жарроҳлик ва урология кафедраси базасидаги шошилиш тиббий ёрдам жарроҳлик бўлимида стационар шароитда даволанган 1185 та ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг асоратли шакллари билан хасталанган беморларни даволаш малакаси киритилди (жадвал 1). Назорат гуруҳига 531 бемор (2007-2011 й.) киритилган бўлиб, ушбу гуруҳдаги беморларда стандарт ташрих усуллари, консерватив терапия самара бермаганда, анъанвий тактика бўйича даволаш ўтказилган.

### Жадвал 1

#### Асоратлар кўриниши бўйича яра касаллиги билан хасталанган беморларни тақсимлаш

Асорат	Яра локализацияси	Таққослама гуруҳ		Асосий гуруҳ		Жами	
		мутл.	%	мутл.	%	мутл.	%
Қон кетиш	12 б/и	276	52,0%	468	71,6%	744	62,8%
	Ошқозон	18	3,4%	24	3,7%	42	3,5%
	Жами	294	55,4%	492	75,2%	786	66,3%
Перфорация	12 б/и	83	15,6%	64	9,8%	147	12,4%
	Ошқозон	7	1,3%	5	0,8%	12	1,0%
	Жами	90	16,9%	69	10,6%	159	13,4%
Стеноз	12 б/и	141	26,6%	82	12,5%	223	18,8%
	Ошқозон	6	1,1%	4	0,6%	10	0,8%
	Жами	147	27,7%	86	13,1%	233	19,7%
Малигнизация*	Ошқозон	0	0,0%	7	1,1%	243	20,5%
Жами	12 б/и	500	94,2%	614	93,9%	1114	94,0%
	Ошқозон	31	5,8%	40	6,1%	71	6,0%
	Жами	531	100,0%	654	100,0%	1185	100,0%

Изох: \* - ишга 7 та таклиф этилган усул бўйича бажарилган паст даражадаги дисплазияли ошқозон ярасини эндоскопик резекцияси киритилган

Асосий гуруҳга 654 бемор киритилган бўлиб, бундай беморларда яра касаллиги асоратларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг мукамаллаштирилган усулларидан фойдаланилди (2012-2018 й.). Тадқиқот ўтказиладиган гуруҳлар барча қиёсий параметрлар бўйича (яра жараёни локализацияси, асоратлар характери, хамроҳ касалликлар ва х.к.) қиёсий таҳлил учун ажратилди.

Диссертациянинг «Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг асоратли шакллари билан хасталанган беморларнинг клиник-функционал характеристикаси» номли учинчи бобида Республиканинг энг зич ахолиси бўлган жойи – Фарғона водийсидаги ошқозон

ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг жарроҳлик эпидемиологияси бўйича таҳлил натижалари келтирилган. 1980-1984 йиллар ва 2012-2018 йиллар оралиғида Фарғона водийсидаги 100.000 аҳолига нисбатан илк марта аниқланган ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг тарқалганлигининг ўртача интенсив кўрсаткичи 1 расмда келтирилган унга кўра, ушбу патология билан умумий хасталаниш дастлабки даврда 109,8 ташкил этган бўлиб, иккинчи даврда ушбу кўрсаткич 172,8 ташкил этди, биринчи даврда илк марта аниқланган патология 18,6 бўлиб, иккинчи даврда 105,6 ташкил этди. Яъни, бу орқали хасталаниш кўрсаткичларининг ўсиши, бошқа томонда, бирламчи ва сифатли ташхислашда кўринарли ўсиш мавжудлигини сезиш мумкин.



**Расм 1. 1980-1984 йиллар ва 2012-2018 йиллар оралиғида Фарғона водийсидаги 100.000 аҳолига нисбатан илк марта аниқланган ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг тарқалганлигининг ўртача интенсив кўрсаткичи**

Тадқиқот шуни кўрсатдики, Фарғона водийсида ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг тарқалганлиги интенсив кўрсаткичи 100.000 аҳолига нисбатан 1980-1984 й. дан 2012-2018 й. гача  $109,8 \pm 9,3$  ( $t=6,20; P<0,001$ ) ўсиши кузатилган бўлиб, унга кўра, касалликнинг илк аниқланган ҳолатлари 100.000 аҳолига нисбатан  $18,6 \pm 1,6$  дан  $105,6 \pm 12,4$  га ўсиши кузатилди ( $t=6,96; P<0,001$ ). Интенсив кўрсаткич ўсиши аҳоли орасида хазм тракти патологияларини ташхислашда, ҳамда ижтимоий мўлжалли омилларнинг яхшиланиш билан тушунтириш мумкин. Ўз навбатида, Фарғона водийсида ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги тарқалишининг ўсиши фониде режали ташриҳлар сонининг (7,8% дан 4,2%) камайиши ҳисобига жарроҳлик фаоллик кўрсаткичининг 12,0% дан 8,5% ( $\chi^2=327,376; df=1; P<0,001$ ) камайиши кузатилди, бунда ўлимнинг тескари пропорционал ўсиши аниқланди, унга кўра, 2012-2018 й юқорилиги – 3,11% (1980-1984 й нисбатан 2,23%;  $\chi^2=7,189; df=1; p=0,008$ ) аниқланди, шошилинич аралашувлардан сўнгги ўлим кўрсаткичининг ўсиши (3,34% дан 5,40% гача;  $\chi^2=9,213; df=1; p=0,003$ )





режали жарроҳхлик фониди эса бу кўрсаткичнинг пасайиши кузатилди (1,64% дан 0,70%;  $\chi^2=12,312$ ;  $df=1$ ;  $p<0,001$ ).

Диссертациянинг «Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак асоратли шаклларида резекцион ва эндоскопик амалиётларнинг айрим тактик-техник аспекти» номли тўртинчи бобида пилородуоденал яраларни



р  
е **Асоратланган пилородуоденал яраларда ошқозон антрумрезекциясининг модифицирланган усули.** Қон кетиш билан асоратланган пилородуоденал яра касаллигидаги экономото ошқозон резекцияси 70 та беморда бажарилган бўлиб: ГДА турли вариантлари билан Бильрот I бўйича 61 (87,3%) ва Бильрот-II бўйича – у 9 (12,7%) беморда ўтказилди. Бу ташрих ташрих хавфи камлиги (ёш, қон кетишнинг енгил ва ўрта даражаси) ҳамда қон кетишнинг субкомпенсацияланган ва декомпенсацияланган стеноз билан бирга кечишига нисбатан, қонаётган ПДЯ бўлган беморлар учун кўрсатма ҳисобланади. Биз томондан ошқозоннинг экономото резекциясининг оригинал усули клиник амалиётга тадбиқ этилди (патент № IAP 05306 АИС ЎУз). Ташрих мазмуни шундаки, экономото (антрум) ОР кичик чарвини кесиб уашлаш ва бир қаторли ГДА шакллантириш билан бажарилди (расм 2-4).

л ОР да муҳим моментлардан бири ГДА оптимал кўринишини танлаш ҳисобланади. Яранинг пилоруснинг олдинги деворида ёки 12 б/и пиёзчасида жойлашишида, Геберер бўйича ГДА билан Бильрот I бўйича ОР бажариш мақсадга мувофиқдир – расм 5.

л  
а  
н  
Д  
а  
в  
о  
л  
а  
Ш  
н  
и  
н  
г  
а  
й  
р  
и  
м




**Расм 2. а) Фото ва б) модифицирланган вариант билан ошқозоннинг резекция қилинадиган қисмини олиб ташлаш схемаси**




**Расм 3. а) Фото ва б) ошқозон экономото резекцияси усули схемаси**

Т  
а  
к  
т  
и



**Расм 4. Схема: а) ГДА орқа лабларига бир қаторли сероз-мушакли чокларни қўйиш ва б) 12 Б/И орқа деворини ажратиб олиш, в) анастомоз орқа лабини шакллантириш фотоси**



**Расм 5. а), б) Схемалар ва Фото б), г) гастродуоденоанастомоз олдинги лабини тикиш**


**Габерер-Финней бўйича терминология кўндаланг ва қийшиқ гастродуоденоанастомоз.** Пилородуоденал қисми деформацияловчи «мураккаб, «ойнали», ошқозон ости безига пенетрацияловчи яраларда терминология кўндаланг ГДА (ТЛКГДА) ёки терминология қийшиқ ГДА (ТЛКГДА) билан экономли ОР бажариш қулай ҳисобланади. ТЛКГДА ҳамда, ТЛКГДА да ташрих техникаси бир хил бўлиб, фақат қийшиқ-ўзгарувчан дуоденотомия ичакнинг иккита 2/3 айланасида чоклардан 5-6 см узқликда бажарилади.

Кичик чарвини экономли ОР ва ГДА қўйиш билан кесиб ташлаш усули қуйидаги қулайликларга эга: 1) бир қаторли чок қўйиш тахрих техникасини соддалаштиради; 2) ошқозон-чарви артериялари асосий устунлари бутунлиги сақланади, бу эса ошқозон чўлтоғини қон билан тўлиқ таъминлайди; 3) кичик чарви, кичик эгриликни кесиш селектив ваготомиянинг муҳим қисми бўлиб, кардия, ошқозон катта эгрилиги, жигар, ўт пуфаги ва ичак иннервациясини сақлайди; 4) ошқозон шираси агрессив омилларини адекват пасайтиради ва улар фармакотерапияни коррекциялайди, бу орқали яраларнинг қайталаниши ишончли олдини олиш таъминланади; 5) ошқозоннинг захира функциясини таъминлаган ҳолда, ошқозоннинг маълум қисми сақланиб қолинади; 6)

ошқозон чўлтоғида “гофри” кўринишидаги шиллиқ-мушакли чокларни кўйиш турғун гемостазга эришилади; 7) ошқозоннинг маълум қисмини сақлаб қолиш Бильрот-I бўйича ОР кўрсатмаларни кенгайтиради.

**Қонаётган ПДЯ да яраларни кесиш ва пилородуоденопластика танлаш.** Операция вақти қисқа бўлган беморларда (тешилган ва қонаётган яраларда, ташрихни тез якунлашни талаб этадиган оғир ахволдаги беморларда, кекса ёш) ва ПДЯ нинг кўп асоратларида оптимал ва асосланган ташрих – яраларни кесиш ва радикал пилородуоденопластика (РПДП) хисобланади. Бироқ бундай беморлар эрадикацион ва антисекретор терапия қўллаган холда динамик диспансер назоратга мухтож бўладилар.

ПД олдинги ва орқа девори яраларини ташхислашда (патент №IAP 04962 АИС РУз), дуоденал дефект орқали электрон пичоқ билан яра қирғоқлари орқа девордан кратер тубигача 5 мм қолдириб ажратилади (кўпинча ошқозон ости беги бошчасига пенетрацияланувчи яралар). Бундай йўл ООБ ни шикастламаслик имконини беради. Пиёзчанинг орқа деворидаги дефект ипакли иплардан фойдаланган холда, шиллиқ-шиллик ости-мушакли тугунли чоклар билан тикилади, ичакнинг орқа девори қирғоқлари тенглаштирилади ва мослаштирилади. Яра кратери туби ичак найидан ташқарида қолади, яъни чарви қаторларидан фойдаланмаган холда яра экстрадуоденизацияси ўтказилади (расм б).



**Расм б. ПДЯ олдинги ва орқа девори яраларини кесиш ва ПДП билан бажариш босқичлари**

Шундай қилиб, экономли ОР сўнг ошқозон кичик эгрилигини тикишдаги сероз-мушакли-шиллик ости бир қаторли чоклар кўйиш билан ошқозон-ичак анастомозларини кўйиш техникаси, ҳамда турли кўринишдаги гастродуоденоанастомозларни шакллантириш ва антисекретор терапия ва Нр эрадикацияси фониде пилородуоденопластика билан қонаётган ПДЯ кесиш ташрихи вақтида қийин вазиятдан чиқиш, 12 б/и чўлтоғи чоклари носозлигини инкор этиш ва 12 б/и бўйлаб овқат пассажиини таъминлаш орқали беморларда амалиётларни якунлаш имконини беради.

**Назогастроуденал зондлаш ва ошқозон «лаважи» хусусиятлари.** Бирламчи ёки реконструктив резекцион ташрихларни бажариш, массив битишмали ёки чандиқли жараёнларда янги анастомозларни кўйиш, кўп холларда нормал топография ва анатомия ошқозон ва 12 б/и мотор-эвакуатор функцияси бузилиши, бўшлиқ ичи босимнинг кескин ортиши билан боғлиқ бўлган ташрихдан кейинги эрта асоратлар ривожланиш хавфини оширади.

Шунинг учун декомпрессия, уни ошқозон, 12 б/и, айниқса, ГДА ёки ГЭА соҳасида бирламчи ва қайта ташрихларида қўллаш зарур ҳисобланади. Декомпрессия усуллари эрта ташрихдан кейинги даврда даврда гипертензия ривожланишини олдини олган ҳолда, эрта ташрихдан кейинги асоратлар профилактикаси мақсадида кенг қўлланилиши мумкин, декомпрессиянинг бундай қулайликлари ва ўзига хослиги “қизиқиш соҳасида” яллиғланишли жараёнларнинг тескари ривожланишига олиб келади ва жароҳат битиши учун қулай шароит яратади. Бундан ташқари, ташрих ўтказилган ошқозон ва 12 б/и шароитидаги декомпрессия бу аъзоларнинг мотор-эвакуатор функцияси тез тикланишига, пепсиноген гомеостазининг нормаллашувиغا, ошқозон чўлтоғи ва анастомоз соҳасидаги яллиғланиш белгиларининг йўқолишига олиб келади (патент № IAP 2019 0518 АИС РУз).


**Ошқозон шиллиқ қавати эрта малигнизациялашган ракиннинг эндоскопик диагностикаси ва резекцияси хусусиятлари.** Ҳазм тракти юқори қисмларини замонавий эндоскопик текширув усуллари тахминан кичик ўлчамдаги эрта раklarни аниқлаш имконини беради ва бундай ўсмаларнинг оптик верификациясини таъминлайди. Бироқ ошқозон эрта ракини эндоскопик усуллардан фойдаланиш йўли билан даволаш лимфоген метастазланиш хавфини чеклайди, бунинг учун, лапаротомия ва резекция ёки маҳаллий лимфодиссекция билан аъзони олиб ташлаш зарур бўлади. Лекин шунга қарамай, клиник амалиётда ошқозон ўсмали зарарланишининг бўшлиқ ичи эндоскопиясида даволаш-профилактик амалиётлардан кўп йиллардан бери фойдаланилади ва ушбу бўлим бўйича онкохирургияда илмий ишлар олиб борилган (Гринкевич М.В., 2017), бизнинг юртимизда бу йил илк марта бу усулдан фойдаланилди ва В.Воҳидов номидаги РИХИАТМ эндоскопия бўлими ходимлари томонидан бажарилди, ҳамда ҳозирга вақтда 7 та беморда эндоскопик эксцизия малакаси мавжуд.

Диссертациянинг «**Ошқозон ва ўн икки бармоқ яра касаллиги асоратли шакллари жарроҳлик йўли билан даволашнинг тактик аспектларини оптималлаштириш**» номли бешинчи боби яра касаллигининг турли асоратларини олиб боришдаги тактик алгоритмларни шакллантиришга бағишланган. Расм 7 да ярали пилородуоденал қон кетишларда даволаш-диагностик тактика алгоритми келтирилган.

Даволашнинг қўлланилган бирламчи тактикаси бўйича беморларни тақсимлаш натижалари бўйича шу аниқландики, эндоскопик амалиётлар асосий гуруҳда юқори бўлиб, 35,4% ташкил этди, қиёсий гуруҳда эса ушбу кўрсаткич 19,7% кўрсатди. Даволашнинг асосий усули сифатида олинган консерватив терапия тенг ҳолатларда қўлланилди (55,4% ва 49,4%). Даволашнинг жарроҳлик тактикаси сони қиёсий гуруҳда аниқ фарқлар билан юқори бўлиб, асосий гуруҳдаги 15,2% қарши 24,8% ташкил этди ( $\chi^2=25,533$ ;  $df=2$ ;  $p<0,001$ ).

Қон кетиш билан асоратланган ошқозон ва 12 б/и яра касаллигида кўпинча Б-I бўйича ОР ўтказилган, бу кўрсаткич 48,9% (90 бемордан 44 тасида), пилородуоденопластика билан ярани кесиш сони эса 42,2% (90 ташрих ўтказилган беморда 38 тасида) ташкил этди. Асосий гуруҳда асосан пилородуоденопластика билан ярани кесиш ташрихи (75,9%; 87 ташрих

ўтказилган беморлардан 66 тасида) бажарилган бўлиб, Б-I бўйича ОР ташрихи сони эса 21,8% (87 тадан 19 тасида) ташкил этди. Қонаётган ярани тикиш фақат қиёсий гуруҳда паст кўрсаткичлар билан амалга оширилди (2,2%; 90 тадан 2 тасида).




**Расм 7. Қонаётган пилородуоденал яралари бўлган беморларни олиб боришнинг даволаш-диагностик алгоритми**

Ташрихдан кейинги эрта асоратларнинг учраши бўйича олинган маълумотлар тахлил этилганда, ўзига хос асоратлар, хусусан, 12 б/и чўлтоғи носозлиги, ГДА носозлиги, анастомозит, гастростаз, қон кетиш ва панкреатит кабилар, қиёсий гуруҳда аниқланган бўлиб, 17,8% (16 кузатув) ташкил этди. Ушбу кўрсаткич асосий гуруҳда эса аниқ фарқлар билан 6,9% (6 ҳолатда) кузатилди. Умумий асоратларга келганда эса (ўпка-бронх, юрак-қон томир, жароҳатнинг йиринглаши ва эвентрацияси), асосий гуруҳга (4,6%) нисбатан қиёсий гуруҳда (13,3%) юқори кўрсаткични ташкил қилди (расм 8).

Шундай қилиб, ушбу патологиядаги беморларда даволаш усулини танлашдаги тактик аспектларини оптималлаштириш асосида ошқозон ва 12 б/и қон кетиш билан асоратланган яра касаллигида резекцион ва аъзо сақловчи ташрихларнинг модифицирланган усулларини қўллаш орқали ўзига хос асоратлар сонини 17,8% (қиёсий гуруҳдаги 90 беморда 16 тасида) дан 6,9% га (асосий гуруҳдаги 87 бемордан 6 тасида), умумий асоратлар сонини 13,3% (90 тадан 12 тасида) дан 4,6% га (87 тадан 4 тасида) ва ўлим кўрсаткичини 2,2% (қиёсий гуруҳда 2 та ҳолатда) дан 0 га камайиши кузатилди, бу умумий тарзда,

ташрихдан кейинги даврнинг асоратланмаган холда кечиши 68,9% ( қиёсий гуруҳда 62 беморда) дан 88,5% (асосий гуруҳда 77 беморда) ўсиш имконини берди ( $\chi^2=10,097$ ;  $df=1$ ;  $p=0,002$ ).



**Расм 8. Қон кетиш билан асоратланган яра касаллигини жарроҳлик йўли билан даволаш натижалар**


